

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА

Препаратнинг савдо номи: Ламбене®

Дори шакли: инъекциялар учун эритма. Қўшалок ампулалар №3.

Таркиби:

2 мл инъекцион эритма А саклайди:

фаол моддалар:
дексаметазон 3,32 мг;
фенилбутазон 375,00 мг;
сиркакислотали салициламид натрий 150,00 мг;

ёрдамчи моддалар: лидокаин гидрохлориди 4 мг, натрий гидроксиди 49,08 мг, инъекциялар учун сув 1675,92 мг.

1 мл инъекцион эритма В саклайди:

фаол моддалар: цианокобаламин (В₁₂ витамини) - 2,5 мг;
ёрдамчи моддалар: лидокаин гидрохлориди 2 мг, инъекциялар учун сув 996,5 мг.

Таърифи: тиник рангсиз, бироз сарғиш рангли суюқлик

Фармакогепаревтиктирухи: яллиғланишга қарши восита

АТХ коди: M01BA01

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Мажмуавий препарат. Яллиғланишга қарши, иситмани туширувчи, оғриқни қолдирувчи ва ревматизмга қарши таъсир кўрсатади.

Дексаметазон – глюкокортикоид, яққол яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Фенилбутазон – НЯҚВ, яллиғланишга қарши, оғриқни қолдирувчи ва иситмани туширувчи таъсир кўрсатади, урикозурик самара чакиради.

Цианокобаламин (В₁₂ витамини) – нуклеин кислоталарининг синтезини фаоллаштиради.

Сиркакислотали салициламид натрий оғриқни қолдирувчи таъсир кўрсатади, шунингдек препаратнинг яхши эришига ёрдам беради.

Лидокаин гидрохлориди – инъекцияни оғриқсиз қилиш имкониятини беради.

Фармакокинетикаси

Мушак ичига юборилгандан кейин дексаметазон тизимли қон оқимига тез сўрилади.

Плазма оқсиллари билан юқори боғланиши ҳисобига, давомли яримчакрилиш даврини таъминлаб, фенилбутазоннинг метаболизми секин юз беради.

Дексаметазон ва фенилбутазон йўлдошга ўтади ва кўкрак сути билан чиқарилади.

Қўлланилиши

Ўткир ҳолатларни қисқа муддатли даволаш:

- ревматоид артритга, остеоартрозга, подаградаги бўғим синдроми;
- неврит, невралгия, радикулит (шу жумладан умуртка поғонасининг дегенератив касалликларидати) ва бошқаларда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Препарат суткада ёки кунора 1 инъекциядан буюрилади, ҳафтада 3 инъекциядан кўп эмас. Даволашнинг такрорий курсларини ўтказишда, улар орасидаги интервал камида 2 ҳафтани таъкил қилиш керак. Инъекция мушак ичига аста-секин, чуқур қилинади. Пациент горизонтал ҳолатда бўлиши керак. Олдинги эритма А эритма, сўнгра В эритма олинади. Эритманинг ҳарорати тана ҳароратига яқин бўлиши керак.

Ножўй таъсирлари

Овқат ҳазм қилиш тизими томонидан: ульцироген таъсири, анорексия, гастралгия, кўнгилай айнаши, қусиш, диарея; кам ҳолларда – жигар фаолиятини бузилиши; алоҳида ҳолларда – МИЙ яраларидан қон кетиши ва перфорацияси.

Қон яратиш тизими томонидан: лейкопения, агранулоцитоз, тромбоцитопения, панцитопения, апластик анемия.

Аллергик реакциялар: экзантема, териникичишиши, иситма; кам ҳолларда – Стивенс-Джонсон синдроми, Лайелл синдроми, югириксимон синдром, бронхоспазм.

МНТ томонидан: бош айланиши, бош оғриғи, уйқун бузилиши, кўзғалиш; алоҳида ҳолларда – психоз, эйфория, тутаноксимон тиришишлар; кўриш ва эшитишнинг бузилишлари.

Юрак-томир тизими томонидан: кам ҳолларда – артериал гипотензия, ортостатик коллапс.

Маҳаллий реакциялар: кам ҳолларда – инъекция жойида оғриқ; алоҳида ҳолларда – абсцесслар ва ўткималарнинг некрозини ривожланиши.

Бошқалар: кам ҳолларда – Иценко-Кушинг синдроми, микоз, буйраклар фаолиятини бузилиши, иммунодепрессив таъсирларнинг кўринишлари (инфекцияларга қаршиликни пасайиши, жароҳатларнинг битишини секинлашиши), лимфаденопатия, синалденит.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

препаратнинг компонентларига, пиразолон ҳосилаларига, салицилатларга юқори сезувчанлик, шунингдек анамнездаги ацетилсалицил кислотаси ёки бошқа НЯҚВ қабул қилишга эшакеми, ўткир ринит, бронхоспазм пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотлар;

ўткир гастрит; меъда ва ўникки бармоқ ичакнинг яра касаллиги (шу жумладан анамнездани);

юрак-томир тизимининг касалликлари (шу жумладан ўткир миокард инфаркти, декомпенсация босқичидаги сурункали юрак етишмовчилиги, ўтказувчанликни бузилиши билан миокард касалликлари, қоринча аритмиялари);

жигар, буйраклар ва қалқонсимон беши фаолиятининг яққол бузилишлари, шишларга мойиллик, уремия, оксалатурия;

вирусли инфекциялар (шу жумладан герпетик инфекция, сувчечак, паротит); полиомиелит, касалликнинг бўлбаршаклидан ташқари);

тизимли микоз;

глаукома, шохпарданинг травмалари;

суяк кўмиги ва қоннинг касалликлари (лейкопения, шу жумладан анамнездаги, тромбоцитопения, гемофилия); миелосупрессия;

яққол миопатия, миастения, Шегренсиндроми, тизимли қизилоғирлик, гигантхужайрали (чакка) артрит, ревматик полимиалгия, геморрагик диатез, порфирия;

панкреатит;

стоматит;

тромбоземболия;

режаливакцинациядан олдинги (8 ҳафта) гача ва кейинги (2 ҳафта) гача давр;

БЦЖ вакцинаси юборилгандан кейинги лимфаденит;

глюкоза-6-дегидрогеназа танқислиги;

хирургик операциялар;

14 ёшгача бўлган болалар;

кексаликёшида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Ламбене® препарати ва бошқа яллиғланишга қарши препаратлар ва этанол сакловчи препаратлар бир вақтда қўлланганда, МИЙ қон кетишининг хавфи ошади.

Ламбене® препарати ва фенитоин бир вақтда қўлланганда, охиригиси билан интоксикацияларнинг симптомлари ривожланиши мумкин.

Ламбене® препарати юрак гликозидлари билан бир вақтда қўлланганда, беморларнинг дигитализациясини секинлаштириши ёки тезлаштириши мумкин.

Ламбене® препарати ва гипотензив дори воситалари бир вақтда қўлланганда, охиригиларнинг таъсири пасаяди.

Ламбене® препарати ва диуретиклар бир вақтда қўлланганда, диурез ва натрийурезни камайиши, шунингдек гипо- ёки гиперкалемия ривожланиши мумкин.

Бир вақтда қўлланганда анаболлик стероидлар ва метилфенидат, Ламбене® препаратини таъсирини куचाитиради.

Ламбене® препарати перорал гипогликемия воситалар (сульфонилмочевина ҳосилалари) ёки инсулин билан бир вақтда қўлланганда, гипер- ёки гипогликемия бўлиши мумкин. Бу препаратларнинг дозаларини назорат қилиш керак.

Ламбене® препарати ва билвосита таъсир қилувчи антикоагулянтлар, гепарин, диглиридамаол ёки сульфинпиразон бир вақтда қўлланганда, протромбин вақтининг кўрсаткичларига қараб препаратларнинг дозаларини тўғирлаш талаб қилиниши мумкин.

Ламбене® препарати билан бир вақтда қўлланганда, плазмада сульфаниламидлар ва литий препаратларининг концентрацияларини ошиши мумкин.

Ламбене® препарати ва метотрексат бир вақтда қўлланганда, охиригисининг токсиклигини ошириши мумкин.

Ламбене® препарати сульфинпиразон ёки пробенецид билан бир вақтда қўлланганда, уларнинг урикозурик самарасини пасайиши мумкин.

Ламбене® препарати ва гормонал контрацептивлар бир вақтда қўлланганда, охиригиларнинг ҳомиладорликка қарши таъсирини пасайиши мумкин.

Режаливакцинациягача (8 ҳафта) ва кейинги (2 ҳафта) давомида) даврда препаратни буюриши, унинг самарадорлигини пасайтиради ёки бутунлай йўқотади.

Махсус кўрсатмалар

Препарат буйраклар фаолиятини бузилишида, қандли диабетда, туберкулезда, тутқанокда, рухий касалликларда, бронхитда, астмада, сурункали бактериал инфекцияларда, артериал гипертензияда ёки гипотензияда, тромбоземболияда беморларга эҳтиёткорлик билан буюрилади.

Даволаш курсини бошлашдан олдин меъда ва ўникки бармоқ ичак яра касаллигини, буйраклар ва жигар касалликларини истисно қилиш мақсадида, пациентни синциклар текширишни ўтказиш керак.

Инъекцияни чуқур, турлисоҳаларга, стерилшоартларда ўтказиш керак.

Ламбене® препаратини бир вақтда антикоагулянтларни олаётган беморларда, қон кетишлар ривожланиши хавфини ҳисобга олиб, мунтазам қон инвизиининг кўрсаткичлари таҳлилини ўтказиш керак.

Фенилбутазон қалқонсимон беши фаолиятини текширишларнинг натижаларига таъсир кўрсатади, шунинг учун мувофиқ таҳлиллар Ламбене® препаратини даволаш тўхтатилгандан кейин камида 2 ҳафта ўтгач ўтказилиши керак.

Цианокобаламин сакловчи дори препаратлари (Ламбене®), фуникулляр миелоз ва пернициоз анемияси бўлган беморларда клинко-лаборатор кўрсаткичларини бузилишига ёрдам бериши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация

Ҳомиладорлик ва лактация даврида препаратни қўллаш мумкин эмас.

Дозани ошириб юборилиши

Симтомлари: кўнгилай айнаши, қусиш, қорин оғриқлари, меъда-ичак қон кетишлари, бош айланиши, бош оғриғи, артериал гипотензия, жигар ва буйрак етишмовчилиги, брадикардия, бош мия ва ўшқаларнинг шиши, лейкопения, апластик анемия, юрак етишмовчилиги, тиришишлар, кома.

Даволаш: ўшқаларнинг сунъий вентилиацияси ва бошқа реанимация тadbирлар; кўрсатмалар бўйича – тиришишга қарши воситалар (масалан, вена ичига диазепамни юбориш); гемодиализ.

Чиқарилиш шакли

2 мл дан А эритма ва 1 мл дан В эритма тўқ шиша ампулаларда.

3 ампуладан А эритма ва 3 ампуладан В эритма контур полимер лотокда.

1 контурли полимер лоток тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

Ёруқликдан ҳимояланган жойда, 25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи

“British-Georgian Factory EuroMedical” Ltd Грузия,

Грузия, 3300 Мцхета, Натахтари

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (тақлифлар) ни қабул қилувчи ташиқлот номи ва манзили:

Ойбек кучаси 36, БЦ «East line», 100015, Тошкент

тел: +99871 1505081

+99871 1505082